

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МАГИСТРАТУРА” БЎЛИМИ

“МАРКЕТИНГ” КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.138:658 (575.11)

АБРИЕВ ЖАСУР СОБИРЖОНОВИЧ

**Ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришда замонавий
маркетинг концепцияларидан фойдаланиш**

5A230401- "Маркетинг (товарлар ва хизматлар)" мутахассислиги

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: и.ф.д. Парпиев Д.Б.


ТОШКЕНТ – 2018

Диссертация ишида ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш, замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланишинг назарий үслубий асослари ўрганилган ва "Файз" масъулияти чекланган жами шаклидаги қўшма корхонанинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган, маркетинг фаолияти таҳлил килинган. Шунингдек, "Файз" масъулияти чекланга жамият шаклидаги қўшма корхонани ривожлантиришда маркетинг концепциясидан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатилган ҳамда ишла чиқариш корхонасида замонавий маркетинг концепциясидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In the dissertation theoretical and methodological bases of the use of modern marketing concepts were studied and the current status of the joint venture "Fayz" was analyzed and analysis of marketing activity was carried out. Also there are ways to effectively use the concept of marketing in the development of the joint venture "Fayz", and practical recommendations on the use of modern marketing concepts in the production enterprise have been developed.

Диссертация иши "Маркетинг" кафедрасидан дастлабки ҳимоядан 201^{йил}
"16" иёл 1 -сонли баённома билан ўтган.

Илмий раҳбар: и.ф.д Парпиев Д.Б.


ИМЗО

10.05.18
ой, кун

Магистр: Абриев Ж.С.


ИМЗО

06.03.18
ой, кун

Мундарижа

Кириш..... 4

1-БОБ	Ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришда маркетинг концепцияларидан фойдаланишинг назарий ва услубий асослари.....	9
1.1	Маркетинг концепцияси ҳақида тушунча, унинг мазмуни, моҳияти ва турлари.....	9
1.2	Ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришда маркетинг концепциясидан фойдаланишинг ўзига хос хусусиятлари.....	16
1.3	Инновацион иқтисодиёт шароитида корхонада замонавий маркетинг концепциясининг тузилиши..... Биринчи боб бўйича хуроса.....	23 28
2-БОБ	«Файз» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасида маркетинг концепциясидан фойдаланиш ҳолати таҳлили.....	31
2.1	«Файз» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг хўжалик фаолиятига иқтисодий тавсифнома....	31
2.2	«Файз» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг маркетинг фаолияти таҳлили.....	39
2.3	«Файз» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасида маркетинг концепциясидан фойдаланиш ҳолати. Иккинчи боб бўйича хуроса.....	43 48
3-БОБ	«Файз» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш.....	51
3.1	Ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришда холистик маркетинг концепцияларидан фойдаланиш.....	51
3.2	«Файз» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш фаолиятида замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш орқали самарадорликни ошириш йўллари..... Учинчи боб бўйича хуросалар.....	61 70
	Хуроса.....	71
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75

КИРИШ

Магистрлик диссертация иши мавзусининг долзарбилиги ва асосланиши. Инновацион иқтисодиётни ривожланиши, иқтисодиётни либераллаштириш ва босқичма-босқич ривожлантириш, ташқи бозорнинг таъсири хўжалик юритишнинг самарали шаклларида фаолият юритишни тақозо этмоқда. Бозор рақобатининг қучайиши шароитида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маркетинг концепцияси ва тамойилларини ўз фаолиятига тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда бугунги кунда кечеётган глобаллашув жараёнлари ва кескин рақобатчилик шароитида бутун дунё бўйича мебел саноатининг 65 фоиздан кўпроғи саноати ривожланган барча мамлакатлар ҳиссасига тўғри келса, шундан, ишлаб чиқарилган мебел маҳсулотларининг 50 фоиздан кўпроғи 7 та мамлакат – АҚШ, Италия, Германия, Япония, Буюк Британия, Канада ва Франция ҳиссасига, қолган 35 фоиз улуш эса ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги даврда Лотин Америкаси, Жанубий-Шарқий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларининг экспортдаги фаол иштироки ҳисобига келгуси ўсиши кутилиб, хусусан, кейинги йилларда мебел ишлаб чиқариш ҳажми жадал суръатлар билан Хитой ва Польшада кузатилмоқда. Жами мебеллар умумий ҳажмининг 86 фоизини майший, шундан 20 фоизи юмшоқ мебеллар, 14 фоизини эса корхона, офис, касалхона ва ресторон мебеллари ташкил этади.

Ўзбекистонда миллий мебел саноати бошқарув тизимини такомиллаштириш, мебел маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бозорларини ривожлантириш, тармоққа хорижий инвестициялар ва инновацияларни фаол жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини чукурлаштириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда мебел ва ёғочни қайта ишлаш саноати республикада энг тез суръатларда ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Агарда 5-8 йил олдин мамлакат ички